

MILLIY TIKLANISH



49 (481) • 2017 йил 29 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ТАЛАБЧАНЛИК, ТАРТИБ-ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ – ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь кuni Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, департаментлар мудирилари, вазирлар, қўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасида бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда Президентимиз қайд этганидек, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан ижобий самараларга эришилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини безовта қилаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Одамлари-

миз эртага ёки узоқ келажакда эмас, балки бугун яхши яшашни, муносиб ҳаёт кечиришни истайди. Шунинг учун биз олиб борилаётган ислохотларни жадоллаштиришимиз, уларнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари. Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кун тартибидоғи масалаларга чуқур таҳлил асосида танқидий ёндашиб, аксарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшаштириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмаётгани, хизмат вазифасига

локайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлаётгани каби ҳолатлар умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Мана, яқинда иш фаолиятимизга бир йил тўлади, аҳолимиз, бизга катта умид ва ишонч билдирган халқимиз олдида амалий ишларимиз билан ҳисобот берадиган вақт келди. Ишга янгича ёндашиб, оддий одамларнинг дарди ва таъвиши билан яшаш, фидойилик ва жонқурлик кўрсатиш ижро ҳоқимиятининг барча бўғинидаги раҳбар ва мутасаддилари фаолиятининг асосий мезонига айла-ниши зарур, деди Президентимиз.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ПАХТАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда пахтачилик тармоғини ривожлантириш, пахта тазалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва пахта ҳам ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий аҳоли ишлаб чиқариш жараёнларини тезкор янгилаш ва модернизация қилиш, илғор технологиялар ва корпоратив бошқаруving замонавий услубларини жорий этиш, умуман тармоқнинг жадол ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бероди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ётарлида жорий қилинмаганлиги оқибатида ҳам ашёни қабул қилиш, ташиш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулот-

ларни реализация қилиш жараёнлари устидан лозим даражада ҳисобот ва назорат тизими мавжуд эмас. Пахта тазалаш корхоналарининг ресурс салоҳияти ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ўртасидоғи номутаносибликнинг кўпайиши, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш бўйича чораларнинг ўз вақтида кўрилмаганлиги ишлаб чиқариш қувватларининг анча қисми бекор туришига ва иқтисодий йўқотишларга олиб келмоқда. Пахтачилик тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан фаолият юритаётган ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш орқали такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида соғлом рақобатни ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратиш талаб этилмоқда.

Пахта ҳам ашёси сифат кўрсаткичларини аниқлаш- ни баъбатан эскирган ёндашувларнинг қўлланилиши маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги аниқ маълумотларнинг бузиб кўрсатилишига, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг норозилигига, тармоқнинг инвестициявий жозибадорлиги ёмонлашишига олиб келмоқда. Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини туздан такомиллаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардор ва сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни йирик хорижий бозорларга янада олиб чиқиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ

2-бет

Жараён

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ БОШЛАНДИ



БУЮК АҲДОДЛАРГА БАРКАМОЛ АВЛОД МУНОСИБИ!

НОМЗОДАРИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Мамлакатимизда ўтган даврда юксак демократик талаблар ва умумлаштироғи этилган халқаро стандартларга тўла мос келадиган миллий сайлов тизими яратилди. Миллий сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократик тарзда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 24 декабрь кuni Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов ҳам халқаро талабларга мос, миллий қонунчилигимизга амал қилинган ҳолда, юқори савияда ташкил этилмоқда. Мазкур жараёнда ўз номзодлари билан иштирок этаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сиёсий жараён олдида пухта ҳозирлик кўриб, белгиланган меъёрлар асосида иш олиб бораётди.

Маълумки, яқинда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига барча сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар Тошкент шаҳар сайлов

комиссияси томонидан рўйхатга олиниб, матбуотда эълон қилинди. Демак, қонунчиликка биноан сайловолди ташвиқоти бошланди. Айна пайтда ЎзМТДП ҳам сиёсий жараённинг муҳим палласи бўлган сайловолди ташвиқоти даврида барча имконият ва шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга интиломоқда.

Миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, сиёсий партиялар ва номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг имкониятлар яратилади. Бу эса сиёсий курашнинг адолатли, соғлом рақобат муҳити асосида ўтишида муҳим ўрин тутди.

6-бет

Фахрий депутат

АДАБИЁТ – БЕОРОМ ҚАЛБ ТУҒЁНИ, ДЕМАК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЪАТ АРБОБИ ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

... Мен туғилганда қаҳратон эди. Қодирий йўқ эди. Икромов йўқ эди. Хўжаев йўқ эди. Чўлпон йўқ эди. Фитрат йўқ эди. Носирий йўқ эди. Йўқ эди балки Вавилов... Онамнинг қанчалар қийналганини ҳис қилганман туғилганимда...

Моҳир таржимон, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ўзи ҳақида ёзган манусурасида ўша давр машаққатли таҳликларини шу тарзда қаламга олган. 1937 йилнинг 27 декабрида Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган Иброҳим Ғафуровнинг болалиги ўша машҳур даврларга тўғри келди. Уруш-

нинг ваҳшатли даврида суяги қотган бу инсоннинг танглайи китоб билан кўтарилди.

Болалиқдан адабиётга ошно адиб ҳозирги ЎзМУнинг филология факультетида ўқиди. 1961-1982 йилларда Давлат бодий адабиёт нашриётида кичик муҳаррир, тахририят мудири, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлади. 1995 йилда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкил этилишида ташаббускор бўлди. Мазкур партия раиси, "Миллий тикланиш" газетасининг бош муҳаррири вазифаларида фаолият олиб борди. Ўзининг сермаҳсул ижодий фаолияти давомида ўнлаб адабий-танқидий, бодиа китоблар, кўлаб шеърый насрлар, шунингдек, мансуралари билан эътибор қозонди.



Иброҳим Ғафуров жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди. 1989 йилда Ўзбекистон ёшлари мукофоти лауреати, 1995 йилда "Дўстлик" ор-

дени ва мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафосида "Ўзбекистон Республикаси саъат арбоби" фахрий унвони билан тақдирланди.

6-бет

Муносабат

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАМЛАКАТ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизни жадол ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар янги босқичда изчил давом эттирилмоқда. Барча соҳада самарали ва сифатли фаолият юритувчи мулкдо янги тизимлар жорий қилинмоқда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилоётди.

Ўзбекистон нафақат ички, балки ташқи сиёсатда ҳам ўз йўлига эга. Бу, айниқса, давлат раҳбарининг халқаро анжуманлардаги чиқишлари, хорижий мамлакатларга ташрифлари асосида намоён бўлмоқда. Президент қисқа давр мобайнида ўнга яқин мамлакатларда давлат ва амалий ташрифлар билан бўлди ҳамда йирик халқаро анжуманларда иштирок этди. Жумладан, кuni кеча Корея Республикаси Президентини Мун Чже Иннинг тақлифига биноан амалга оширилган давлат ташрифи мазкур мамлакат билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий, моданий-туманитар ва бошқа соҳаларда ўзара ҳамкорликни янги бағонага кўтариш ва янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган фаол ва самарали ташқи сиёсат мобайнида, айниқса, икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунгача Жанубий Кореянинг мамлакатимизга жалб этилган инвестициялари ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил этмоқда. Уларнинг капитали иштирокида нефть-газ, нефть-кимё, машинасозлик, электротехника, енгил саноат, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда 460 дан ортиқ корхона фаолият олиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мазкур ташриф бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни янги босқичга олиб чиқиш имконини берди.

3-бет

Очиқ мулоқот

МАДАНИЯТ СОҲАСИ РИВОЖИ: МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖА ГАЗЕТХОН МУРОЖААТИ СОҲАДАГИ МУАММОЛАРНИ АНИҚЛАШ, ТАКЛИФ ВА ШИКОЯТЛАРНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИНИ ЯРАТДИ

Президентимизнинг шу йил 3 августда мамлакатимиз ижодкор айёллари вакиллари билан бўлган учрашувида маданият ва санъатимизнинг ривожланиши жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар, Маданият вазирлиги ва унинг таркибидоғи бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилиб, соҳадаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам маданият ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, боитиш ва уларни кўнжайтиришга қўмақлашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, уларни камол топиб келадиган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш вазифаси белгиланган. ЎзМТДП Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, юртимиз ҳудудида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўingan илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркаралар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кино асарларни яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказиш тарафдори.

4-бет

Танқиддан сўнг...

"ТОШБОЗОРСАВДО" УЮШМАСИ: БОЗОРЛАРДА ЕТАРЛИЧА БЎШ ЖОЙ МАВЖУД

Газетамизнинг шу йил 3 сентябрь, 34 (463)-сонида "Бозорнинг жойи қаерда? Кўчадаги ёки маҳсул жойида" номли танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда бозор ҳудудидаги унча узоқ бўлмаган жойлар, хусусан, бозор ташқарисидо, йўлакларда, автомобиль ва метро бекатлари атрофида, ёқилги қўйиш шохобчалари ёнида ҳеч қандай сифат кўрсаткичига эга бўлмаган, қўлбола усулда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар сотилётгани, бу, ўз навбатида, нафақат фуқароларимиз саломатлигига хавф туддириши, балки шаҳримиз чироғи ва озодлигига ҳам соя солиши ҳақида сўз борган эди.

6-бет



MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАМЛАКАТ ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари икки мамлакат молиявий-иқтисодий тузилмалари раҳбарлари, етакчи ишбилармонлари ва йирик компаниялар вакиллари иштирокидаги Жанубий Корея – Ўзбекистон бизнес-форумида қатнашди ва нутқ сўзлади. Президентимиз ўз нутқида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланиётганини, юртимизда ишбилармонлик муҳити янада яхшиланиб, бизнес юрйтиш учун етарли шароитлар ва қулай имкониятлар яратилаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон жанубий корейлик ишбилармонлар ва бизнес вакиллари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Ўзбекистонда Корея Республикаси бизнес марказини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Ўз навбатида, анжуманда сўзга чиққан жанубий корейлик иқтисодиёт, молия ва ишбилармон доира вакиллари ҳам мамлакатимизда бизнесни амалга ошириш учун яратилган имкониятларни юқори баҳолади. Бу, албатта, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, ҳар икки давлат ишбилармонлари иштирокида бизнес муҳити янада кенгайтириш имконини беради.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларида ортиқ 60 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Жанубий Кореяга давлат ташрифи давомида БМТ Собиқ Бош котиби, Халқаро Олимпия қўмитасининг этика комиссияси раиси Пан Ги Мун, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн, Бош вазир Ли Нак Ён, Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун билан учрашди. Юзма-юз ва самимий мулоқотлар давомида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталари ва ҳамкорлик масалалари ҳусусида сўз борди. Давлатимиз раҳбари халқларимиз ўртасидаги дўстлик раъзи сифатида Тошкент шаҳридаги кўчлардан бирига Сеул номини бериш таклифини билдирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга

Сеул шаҳри фахрий фуқароси унвони тантанали топирилди. Таъкидлаш жоиз, самимий ва юксак ишонч руҳида ўтган мазкур ташриф ҳар иккала давлат ва халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Президентимизнинг давлат ташрифи давомида савдо, ёқил-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобильчилик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларда келишувларга эришилгани ушбу йўналишларда янги имкониятлар эшигини очди. Мамлакатимизда эришилётган самарали натижаларни янада мустаҳкамлашга, пировардида халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазлумки, ўзбек ва корей халқининг маданияти, менталитети ўхшаш, азолдан уларни ўзаро дўстлик ришталари боғлаб туради. Жорий йилда корейс миллатига мансуб юрдошларимиз Ўзбекистонда истиқомат қилётганининг 80 йиллиги кенг нишонланди. Бугун минглаб корейс миллати вакилларининг аксарияти ўзбек тилида сўзлаша олиши, маданиятимизни яхши билиши эътиборга молик. Улар кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас бўлаги бўлиб, жамиятимизнинг фаол аъзолари айланган. Жумладан, корейс миллатига мансуб юрдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётган. Халқимиз шундай юрдошларидан фойдаланади. Бу Ватанимизда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва гуманитар соҳаларда олиб бораётган фаол ва самарали ислохотлари, аввало, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини кўзлаб, унинг халқаро нуфузини оширишга ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир. Президентимизнинг Корея Республикасига мазкур ташрифи сиёсий, иқтисодий натижалари билан Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши мукорар.

**Абдураҳим Тўхтабоев,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

ва ижодий мактаблар ҳамда аъёналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш каби улғу вазифалар юклатилди.

Соҳада узоқ йиллардан бери меҳнат қилаётган мақомчилар, мақомшунос илмий-педагог олимлар ва

Мамлакатимизда миллий-маданий меросимиз, жумладан хунармандликни янада ривожлантириш, хунармандлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз бериш ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 3 ноябрь кунин Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишда хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалалари кенг муҳокама қилиниб, “Хунар-

до-саноат палатаси ҳузурдаги туман ва шаҳар Тadbirkorларга кўмаклашиш марказлари томонидан хунармандларга ўз тadbirkorлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш каби вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, хунармандларнинг янада эркин фаолият юритиши, хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма-танловлар ва фестиваллардаги иштирокини кенгайтириш, маҳсулотларининг эркин савдосини амалга оширишини таъминлайди.

тушган нақд пул тушумини тижорат банкига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилиши, хунармандларга хусусийлаштирилган дастури доирасида сотиладиган давлат мулк объектларининг баҳоланган қийматида очик савдоларга қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилиши ва бошқа шу каби қўллаб-қувватлаш имтиёзларининг берилиши юксак эътибор ва рағбат намуносидир.

2018-2019 йилларда республикамизнинг 23 шаҳар ва туманида Хунармандчиликни ривожлантириш марказлари барпо этилади.

ҚАДРИЯТЛАР ДАВОМЧИЛАРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ХУНАРМАНДЛАРНИ ЯНГИ МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРДИ

Фармоннинг яна бир муҳим ва аҳамиятли жиҳати – 2017 йилнинг 1 декабрдан хунармандчилик субъектлари бўлган “Хунарманд” уюшмасининг аъзолари: хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилиши, ёшга доир пенсия ва нафақа олувчиларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилиши, қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлашлари белгиланган бўлиб, Хунармандчилик ва амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хунармандлар меҳнати низоҳатда машаққатли ва узоқ вақт меҳнат қилишни талаб этадиган соҳа бўлгани, уларда ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўша пайтнинг ўзидоёқ сотиш имкониятининг мавжуд эмаслиги, маҳсулотлар ўз хариддорларини кўтиб оларганида узоқ вақт туриб қолишни инобатга оладиган бўлса, юқоридаги каби имтиёзлар уларнинг эркин меҳнат қилиши, бир-биридан бежирим ва қиройли, юксак даражадаги санъат асарларини яратишида, ўз хунари сирларини ёшларга ўргатиши, оҳолининг кенг қатламини хунармандчиликка жалб этиш ва бандлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, банк ҳисоб рақамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечиб олиш ҳуқуқи берилмоқда. Фармонда доимий савдо қилиш жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан савдо қоидаларида назарда тутилган касса аппаратлари ва савдо терминалларида фойдаланиш, савдодан

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент вилоятидаги бозорлар, сайёҳлик, меъморий-маданий объектлар ҳудудида, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандчилик савдо расталари ташкил этилади. Мазкур фармон билан, хунармандларга ўз фаолиятини ривожлантириши учун республика тижорат банкига катта миқдорда имтиёзли асосда микрокредитлар ажратиши белгиланган бўлиб, 2018-2019 йилларда қиймати 146,6 миллиард сўмга тенг 9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишини кўзда тутувчи 3 минг 15 та лойиҳа амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан уюшма фаолиятини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари белгиланди. Қарорда уюшмани янги ташкилий таркиби белгилиб берилиб, уюшмани келгусида янада ривожлантириш, халқ бодий хунармандчилигини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида олиб бораётган ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчиликни тортиб этиш, ёшларни касб-хунарга ўргатишга доир фаолиятини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантириш каби муҳим масалалар ечими ўз ифодасини топди.

Ушбу фармон ва қарор, ўз навбатида, зиммасизга бир қатор муҳим вазифалар ва улкан масъулият юклайди. Унинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, белгиланган топшириқларни амалга оширишда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда белини янада маҳкам боғлаб ишлаш, юксак эътиборнинг қадрига етиш, бундан унумли фойдаланиш, жамиятга наф келтириш ҳам қарз, ҳам фарз.

**Ақобир ҲАКИМОВ,
Республика “Хунарманд”
уюшмаси раиси**

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадий услуби ва бой ижодий аъёналари билан маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллашди.

Асарлар давомида улғу шоир ва олимлар, моҳир

мутахассислар, Мақом маркази ходимлари фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларга бўлган юксак эътиборни аниқлашга қўлмай, зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди, фолл ижод қилишга, соҳа сирларини ёш ижрочиларга ўргатишда янада жонқур бўлишга ундайди.

Мақом санъатини болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият ва санъат коллежлари, академик лицейларда ўқитиш “ёшлиқда олинган билим — тошга ўйиндан нақш” иборасининг амалий исботи бўлса, ажаб эмас. Негаки, мақомнинг ашуло йўналиши жуда мураккаб, бундан ташқари қўшиқларда Алишер Навоий, Бобур каби буюк бобокалонларимиз шевр ва ғазалларидан фойдаланилади. Ушбу ғазалларнинг ўзиёқ инсоннинг маънавий камол топишига хизмат қилади. Лекин уни мусиқка солиб, маромида ижро этилса, ўйланган натижага икки қарра эришилади. Дунёқароши энди шакллана бошлаган ўғил-қизларимизнинг бундай ғазалларини мақомда қўйлашга интилиши уларнинг ватанпарварлик, миллий ўзлигини англаш, юксак инсоний туйғулор руҳида тарбия топиши, эстетик диди ва тафаккури шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Қарорда белгиланганидек, ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган соъй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиликларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш, радио ва телевидениеда мақомга бағишланган алоҳида дастурлар тайёрлаш ҳам ушбу ноёб санъатнинг оммалашши, тарби қилинишига айни мудоаосидир. Халқимиз ва навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбиди миллий мумтоз куй ва ашулаларга меҳр уйғотишда муҳим ўрин тутуди.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори биз санъатшуносларни беҳод қувонтириш билан бирга, фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга, ёшларни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашга, иқтидорли ёшларни катта ҳаётга йўллашда бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишга ундайди.

**Феруза АБДУРАҲИМОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
профессори, Ўзбекистон
Республикаси санъат арбоби,
ЎзМТДП фаоли**

Семнар МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё: янада тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидаги долзарб оя ва ташаббуслар миштага буғунги ва келажакка қаратилган бўлиб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзаро қўшни ва ҳамкор давлатларнинг буғунги долзарб вазиятда янада жипслашув нафақат Марказий Осиё, қолаверса, дунё ҳамжамияти учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга.



Бу жараёнда, табиийки, сиёсий партиялар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим бўлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мазкур халқаро конференция аҳамиятини, Президентимиз нутқида илгари сурилган ташаббуслар мазмун-моҳиятини партия электорати ва аҳоли ўртасида кенг тартиб қилишга қаратилган ишларни олиб бормоқда. Жумладан, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги тинчликпарвар сиёсати, тарихий бирлик, қўшничилик муносабатлари” мавзусидаги амалий семинар аҳоли, айниқса, ёшлар онига ушбу конференцияда кўтарилган гояларни чуқурроқ синдиришда муҳим ўрин тутуди.

Тadbirkor оғлида партия фаолларининг китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Унда асосан партия сафидаги профессор, ижодкор, олимларнинг ижодий ишлари, китоблари номийиш қилинди. Семинарда иштирок этган профессор, тарихчи олимлар, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” фаоллари давлатимиз раҳбарининг ушбу мазмуриасини чуқур ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиши юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикр алмашди. — Ушбу халқаро конференция юртимизнинг жохон ҳамжамиятида нафақат муносиб ўрин эгаллаб бораётгани, балки ўзлигини ҳам

намоён қилаётганининг амалий ифодасидир, — деди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов. — Бундан бора — Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат кўради. Биз партия фаоллари яқдил бўлиб, маърузада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини, илгари сурилган ташаббуслар аҳамиятини аҳоли, айниқса, негара ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқаролар ўртасида тартиб қилишимиз лозим. Шунлардан келиб чиқиб, партия вилоят кенгашининг чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик.

Амалий семинарда давлатимиз раҳбари конференцияда илгари сурган гоя ва ташаббуслар Марказий Осиёда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди. Қайд этилганидек, конференция давомида қордош халқларимизга хос қўшничилик муносабатларига оид бебаҳо миллий қадриятлар ўз ифодасини топди. “Қўшнинг тинч — сен тинч”, “Бир балага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, “Қўшнинг тўқ — сен тўқ”, “Қўшнинг еттидан бир ҳаққи бор” каби мақоллар бежиз халқимиз турумуш ва тафаккур тарзининг моҳиятига сингиб кетмаган.

Давлатимиз раҳбарининг “Минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё

мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва қоғолатидир” деган фикрлари бугунги долғали замонда ўта муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Партия фаоллари Президентимизнинг гоя ва ташаббуслари Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақога айлантиришда муҳим қадам бўлишига алоҳида урғу берилди. Семинар иштирокчилари конференция ва Президентимиз нутқи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, келгусида партия ташкилотининг бу борада амалга ошириши лозим бўлган вазифалари бўйича таклифларини билдирди. Қайд қилингандек ЎзМТДП сайловолди Платформасида ташқи сиёсат соҳасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш вазифаси белгиланган. Президентимиз илгари сурган ташаббуслар партияимизнинг миллий манфаатларимиз билан боғлиқ мақсадларига уйғунлиги ва унинг рўйбега хизмат қилиши таъкидланди.

Тadbirkor якунида партия фаоллари давлатимиз раҳбарининг “Оддий ва очик инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир”, деган фикрларини ўзларига шор қилиб, бу каби амалий семинарларни чекка қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ҳам ташкил этишга келишиб олди.

**Сардор ДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши
матбуот котиби**

Устоз ёли

ЭЪЗОЗ ВА ЭХТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев таваллудининг юз йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.



танланган санъаткор ижодига Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри жамоаси ҳам устоз, ҳам мактаб вазифасини ўтайди. Саттор Ярашев ана шу улуг даргоҳда катта санъатга қадам қўяди, овозини тоблайтиди, маҳорати ошди. П.Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясидаги таълим санъаткор ижодига туб бурилиш ясади, унинг юқори даражага кўтариллишида муҳим рол ўйнайди.

— Устозимиз у катта кичикми қатъий назар ҳар бир рол ва ашула устида

ўнгимиздан кетмайди. Бугунги ижодий кечада ёш артистларимиз "Дилором" операсидан Моний арияси, "Майсаранинг иши" операсидан чўпон арияси, "Лайли ва Мажнун" операсидан Қайс ариясини маҳорат билан ижро этди. Бу Саттор Ярашев ортидан унинг ҳақиқий издошлари келаётганидан, ёш иқтидор эгалари улуг сиймолар қолдирган муסיкий меросни қадрлаб келаётгани ва уларни келажак авлодга етказишга ҳаракат қилаётганидан ёрқин далолатдир.

Саттор Ярашев Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида меҳнат қилди. У санъат сирларини фарзандларига ҳам ўргатди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Содиқжон Ярашев ота йўлини таллади.

— Шубҳасиз биринчи устозим отам бўлган. У киши оилада ҳам меҳрибон ота, ҳам қаттиққўл устоз эдилар, — дейди Содиқжон Ярашев. — Маҳалламиздагилар отамизни ҳолигача алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан эслашади. У киши ҳаммага доимо яхши кайфият улаштишга ҳаракат қилар, ёшу қари билан бирдек хушмуомалада бўлар эди.

Кечада "Устозни хотирлаб" ҳужжатли фильми ҳамда театр жамоаси ва таниқли санъаткорлар ижросида концерт намойиш этилди.

Исломжон ҚўЧҚОРОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев ўзига хос ижро ва ширали овози билан муҳлислар қалбидан чуқур жой олган, миллий опера санъати ривожига улкан ҳисса қўшган санъаткор эди. "Фарход ва Ширин" муסיқали драматикаси Фарход, "Тоҳир ва Зухра" да Тоҳир, "Лайли ва Мажнун" да Мажнун, "Шоир тақдири" да Фуркат, "Дилором" да Моний, "Гулсара" да Қодир каби бош ролларни маромига етказиб ижро этган.

— Саттор Ярашев серкирра ижодкор эди, — деди кечанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова. — У нафақат опера, балки ўзбек миллий мумтоз кўшиқларини ҳам маҳорат билан, маромига етказиб ижро этган. Саттор

Ярашев муסיқали драмаларда ижро этган қатор роллар ва кўшиқлар халқимизнинг маънавий меросига айланган. У қолдирган бой ижодий меросдан санъат илҳомландлари ҳали узоқ йиллар баҳраманд бўлиши шубҳасиз.


Саттор Ярашевнинг илк ижод даври Вобкент тумани хаваскор театри билан бевосита боғлиқ. Санъаткор шундан сўнг Бухоро театри, Тошкент вилоятининг Янгийўл театри жамоасида меҳнат қилади. Дастлаб халқимизга оммавий халқ кўшиқлари ижроси сифатида

тинмай ишлар ва изланарди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Гулгина Зокирова. — Шу боис у ижро этган ҳар бир рол ҳаётини ва ишонарли, ариалари, кўшиқлари инсон кўнглига ором ва таскин беради. Айниқса, санъаткор ижро этган Муканна, Ниёз, Омон, Чўпонли каби ёрқин образлар талқини ҳанузгача кўз

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

ТАБИАТНИНГ ШИФОБАХШ НЕЪМАТИ

Асал — шифобахш неъмат. Организмда қон таркибини яхшилайди, барвақт кеккайишдан асрайди, иммунитетни оширади. Асал таркибидаги кўп қанчалар дармондор ва фойдали моддалар бошқа ҳеч бир озуқадан учрамайди.



Асал ўзининг таъми, ҳиди, ранги, шунингдек, қайси фаслда қандай ўсимлик гулидан йирилганилиги ва жойи (тоғ, ўрмон, водий)га қараб ҳам фарқланади. Энг яхши асал — тоғ асали. Чунки у турли доривор гуллардан йиғилади. Оқ акация, беда, олма, шафтоли ва бошқа ўсимликлар гулидан тўпланган асал ҳам сифатли, лекин офтоб кам тушадиган ўрмон гуллари ва турли заҳарли дорилар сепиладиган ўсимликлар, масалан, канопдан олинган асал анча сифатсиз ҳисобланади. Асал мумкатаклардан махсус асал ажраткич мосламалар билан ажратиб олинади.

Асал жуда фойдали маҳсулот. Унинг таркибида В дармондорилар гуруҳи, С витамини, органик кислоталар, эфир ёллари, сув, шакар, углевод ва ферментлар мавжуд. Бундан ташқари, унда глюкоза ва фруктоза ҳам мавжуд бўлиб, бу унга ширин таъм беради. У калорияли маҳсулот бўлиб, касаллик ва операциядан сўнг қайта қувватга киришга, руҳий зўриқиш даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

Замонавий тиббиётда асалдан муолажа сифатида кенг фойдаланилади. Меъда-ичак касалликларида ҳар кун эрталаб бир чой қошиқ асал ейилса ёки шунча миқдордаги асал бир стакан қайнатиб совутилган сувда эритиб ичилса, яхши самара беради.

Асал замбурунга қарши самарали воситадир. Уни шампунга қўшиб ёки унинг ўзини мунтазам равишда бош терисига сурши қазоқдан халос этади. Бунинг учун бир ош қошиқ асални бир чой қошиқ сув билан аралаштириб, уни бош терисига икки дақиқа давомида суртиб синдириш лозим. Икки соатдан сўнг эса илиқ сув билан ювиб ташланади. Ҳар икки кунда бир марта қилинган бундай муолажа яхши самара беради.

Асал табиат инъом этган ажойиб намлантирувчи воситадир. У юз терисига намлик ва ҳово киришини кучайтиради. Бунинг учун бир чой қошиқ асални юзга суриб, 15-20 дақиқа қолдириш, сўнг уни илиқ сув билан ювиб ташлаш лозим.

У иммунитетни ошириб, шамоллашни доволайди. Юқори нафас йўлларидаги яллиғланишни доволаш учун асални сувда эритиб, оғиз бўшлигини чайиш керак. Бу томоқдаги йирингли яраларнинг битишида ёрдам беради.

Тонгда уйқудан уйғонгандан сўнг, оч қоринга бир чой қошиқ асал истеъмол қилиб, сув ичиш фойдали. У организмда моддалар алмашиш жараёнини фаоллаштириб, ҳорғинликни бартараф этади. Бироқ суррункали қанд касаллиги ёки ошқозон ярасидан озиқ чекоётган кишиларга оч қоринга асал истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

ТУРФА ОЛАМ

ВЕЛОСИПЕД ЮВАДИГАН УСКУНА



Германияда "CycleWash Duo" деб номланган велосипед ювадиган қурилма ихтиро қилинди, деб ёзади "enki.ua".

Ихтирочи Сашин Кумарнинг фикрича, бу қурилмани барча истовчилар харид қилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу қурилмани кўчаларда, катта йўл ёқасида жойлаштириш, автомобиль ювиш жойига ўхшаш пулли хизмат кўрсатиш тармоғини яратиш мумкин. "CycleWash Duo" 113 литр сувга мўлжалланган идишга эга. Битта велосипедни ювиш учун 40 даража илиқ ҳароратли 0,5 литр сув кифоя қилади.

Велосипед айланиб турувчи тозалагичлар воситасида ювилади. Фойдаланилган сув тозаланиб, қайта ишлатилади. Велосипедни дастлабки ва акуний ювиш учун алоҳида пуркагичлар мавжуд. Битта велосипедни "ғуборлардан тўлиқ фориг қилиш" учун 3-5 дақиқа сарфланади.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сориосиё туман кенгаши халқ депутатлари Сориосиё туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ойдин Жўрабековга онаси

Робияхон МИРЗАЕВАНING

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

"АСАКА" БАНК

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

"ҚАДРИЯТ"

Омонатнинг сақланиш муддати 2 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"БАРАҚАЛИ"

Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ФАРОВОН ТУРМУШ"

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат расмийлаштирилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

"МАДАД"

(АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ШОДИЁНА"

(АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"СТАБИЛЬНЫЙ-1"

(Еврода) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, "Асака" банк миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Table with columns: Сизнинг омонатларингиз, Филиаллар, Код, Телефон, Филиаллар, Код, Телефон. Lists various branches and their contact info.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси томонидан қафолатланади.

"Асака" банк сармоянинг сақланиши ва қўлайлигини қафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

МММла

6 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ХОНАДОН ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Табиий газ — бебаҳо бойлик ҳисобланади. Уни асраб-авайлаш, фойдаланишида исрофгарчиликка йўл қўймайлик барчамизнинг бурчимиздир. Қуз-қиш мавсумида аҳолини табиий ва суўлтирилган газ билан узлуксиз таъминлашда "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти бир қатор янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиб, тизимда самарали ишларни амалга оширмакда.

Миллий матбуот марказида "Ўзтрансгаз" АЖ ўтказган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди. Бутун мамлакатимизда 6 миллиондан зиёд хонадон, хусусан, 3 миллиондан ортиги табиий газ, қарийб 3 миллионга яқини суўлтирилган газ билан таъминланган.

— Айни пайтда, жамиятимиз томонидан ҳудудларда аҳолига газ етказиб бериш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда, — дейди "Ўзтрансгаз" АЖ башқарма бошлиғи А.Эшонқулов. — Жумладан, 2 миллион 783 мингдан ортиқ хонадон суўлтирилган газ билан таъминланди. Жорий йил якунига қадар 376 минг 283 тонна, яъни ўтган йилга нисбатан 125 минг тонна кўп суўлтирилган газ истеъмолчиларга етказиб берилди.

Жамият аҳолини шу йилда 750 минг дона майиш газ баллонлари билан таъминлаши белгиланган бўлса, бугунги кунга қадар шундан 670 мингтаси аҳолига етказиб берилди. Натияжада майиш газ баллонлари етиб 3,7 миллионга етиб, таъминот даражаси тўлиқ бажарилшига эришилди. Қолган қисми ҳам 1 декабрда етказилади.

Анжуманда 2017-2018 йиллар қуз-қиш мавсумига тайёргорлик борасида амалга оширилган амалий ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 июндаги "Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини 2017/2018 йилларининг қуз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ жорий йилнинг ўтган даврида 99,6 км газ қувури мукамал таъмирланиб, 236,7 километри эса реконструкция қилинди, 68 минг 559 дона газ тасқимлаш пунктлари қайта теширишдан ўтказилди.

Эслайтиб ўтиш жоиз, айни пайтда фойдаланилган 10 метр куб тобиий газ учун 2 минг 461 сўм, газ ўлچагичи йўқ хонадонга бир яшовчи учун ойлик тўлов 4 минг 681 сўм 50 тийин этиб белгиланган.

Нигора НИШОНБОЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуфайзул МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Суван НАЖИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-89-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқари.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1116, Адади — 4850. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Эриён ДОРИПОВ

Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30. Ҳафтаси — 00.25. Топширилди — 01.05.



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИИ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ISSN 2010-7714

